

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Навоий вилоят “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси” бошлиғи,
Харид комиссияси раиси
Н.М.Жуманиёзов
2021 йил

Навоий вилояти Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 144-уйни инженерлик коммуникация тармоқлари, фасад қисмини мукамал таъмирлаш объекти (лот 7144007) бўйича танлов комиссияси йиғилиши

01-43/1 -сон БАЁНИ

“ 13 ” 09 2021 йил

Навоий шаҳри

Танлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг 2021 йил 9 мартдаги 65-сонли буйруғига асосан қуйидаги таркибда ташкил этилган.

Комиссия раиси: **Н.Жуманиёзов** Навоий вилоят “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси” бошлиғи;
Комиссия раиси ўринбосари **А.Бўриев** “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Навоий вилоят ҳудудий филиали раҳбари;
Комиссия аъзолари: **А.Ражабов** Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш вилоят ҳудудий инспекцияси бошлиғи;
Ш.Туракулов Навоий вилояти Давлат солиқ бошқармасининг Юридик шахсларга хизмат кўрсатиш бўлими бош инспектори;
У.Ядгаров «Меъморлойиха» МЧЖ раҳбари;
Комиссия котиби: **М.Ахмедов** “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Навоий вилоят ҳудудий филиали бош мутахассиси, овоз бериш ҳуқуқсиз
Комиссия йиғилишида Ш.Туракулов иштирок этмади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Танлов ўтказиш мақсадида келиб тушган таклифлар конвертларни очиш.

Кун тартибидаги масала юзасидан, танлов комиссияси раиси Н.Жуманиёзов сўзга чиқиб, 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун талаблари асосида ушбу объект бўйича танлов савдолари эълон қилинганлиги ҳақида қисқача маълумот берди.

Кун тартибидаги объект, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 январдаги “Навоий Кон-Металлургия комбинати давлат корхонасининг соҳага оид бўлмаган, ишлаб чиқариш жараёнларига жалб этилмаган активларидан самарали фойдаланишни ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 23-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида шакллантирилган манзилли дастурга киритилганлигини маълум қилди.

Н.Жуманиёзов танлов комиссиясининг ишини очиқ деб эълон қилиш ҳамда кун тартибидаги масалани тасдиқлашни овозга қўйди ва таклиф бир овоздан маъқулланди.

Комиссия раиси танлов савдолари йиғилишини очиқ деб эълон қилиб, сўз навбатини танлов комиссиянинг котибига берди. Котиб комиссия аъзолари ва қатнашчиларни, танлов савдоларини ўтказиш жараёни ҳақида қисқача таништириб ўтди, ҳамда ушбу объект бўйича танлов савдосини ўтказиш тўғрисидаги эълон, Давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали (dxarid.uzex.uz)га 27.08.2021 йилда ишларининг бошланғич қиймати **374 432 775 сўм ҚҚС билан**, ишни бажариш муддати 50 кун лот рақами **7144007** бўлган эълон жойлаштирилганлигини маълум қилди.

Таклифларни қабул қилишнинг охириги муддатига қадар куйидаги талабгор ташкилотлартомонидан йиғма жилдлар келиб тушганлигини эълон қилди.

- 1."KO'SARAVON MOXIR TA'MIR" ХК
- 2."AGRAMIR" МЧЖ
- 3."RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI" ОК

Шундан сўнг танлов комиссияси томонидан тақдим қилинган таклифларни кўриб чиқиш мақсадида, талабгор корхоналарнинг вакиллари иштирокида конверт (йиғма жилд) ҳужжатлари очиб ўқиб эшиттирилди.

Талабгорлар "KO'SARAVON MOXIR TA'MIR" ХК, "AGRAMIR" МЧЖ, "RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI" ОКларнинг ҳужжатлари тўлиқ тақдим этилганлиги маълум бўлди.

Шундан сўнг талабгор корхоналарнинг вакиллари иштирокида "KO'SARAVON MOXIR TA'MIR" ХК, "AGRAMIR" МЧЖ, "RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI" ОКларнинг таклифлари ўқиб эшиттирилди.

Талабгор "KO'SARAVON MOXIR TA'MIR" ХКнинг ишларни бажариш учун ҚҚС билан 337 018 626 сўм, ишларни яқунлаш муддати 50 кун.

Талабгор "AGRAMIR" МЧЖнинг ишларни бажариш учун ҚҚС билан 366 403 568 сўм, ишларни яқунлаш муддати 40 кун.

Талабгор "RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI" ОКнинг ишларни бажариш учун ҚҚС билан 358 554 254 сўм, ишларни яқунлаш муддати 44 кун.

Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан 374 432 775 сўм, ишларни яқунлаш муддати 50 кун.

Танлов комиссияси аъзолари ўзаро фикр-мулоҳазалар алмашиб, таъдим этилган ҳужжатларнинг мослигини мувофиклигини ҳамда малакасини ўрганиш мақсадида таклифи киритилди келиб тушган таклифларни овоз бериш йўли билан кўриб чиқиш натижалари бўйича, бир овоздан

Комиссия раиси томонидан таклиф овозга қўйилди. Розилар – 4 киши, Бетарафлар – йўқ, Қаршилар – йўқ. Комиссия кўпчилик овоз билан

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Талабгорларнинг биринчи йиғма жилдларини танлов комиссия аъзолари томонидан мувофиклиги ўрганилсин ўрганиш натижаси бўйича комиссия йиғилишига хулоса тақдим этилсин.

2. Талабгорлар "KO'SARAVON MOXIR TA'MIR" ХК, "AGRAMIR" МЧЖ, "RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI" ОКлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларини танловҳужжатлари талабларига мослиги ва малакаси комиссия аъзолари томонидан ўрганилсин.

Танлов комиссияси аъзолари:

Н.Жуманиёзов


А.Бўриев

А.Ражабов

У.Ягаров

Комиссия котиби:

М.Ахмедов



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Навоий вилоят “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси” бошлиғи,
Харид комиссияси раиси

Н.М.Жуманиёзов

“ ” 2021 йил

Навоий вилояти Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 144-уйни инженерлик коммуникация тармоқлари, фасад қисмини мукамал таъмирлаш объекти (лот 7144007) бўйича танлов комиссияси йиғилиш
01-43/2-сон БАЁНИ

“ 15 ” 09 2021 йил

Навоий шаҳри

Танлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг 2021 йил 9 мартдаги 65-сонли буйруғига асосан қуйидаги таркибда ташкил этилган.

Комиссия раиси: Н.Жуманиёзов Навоий вилоят “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси” бошлиғи;

Комиссия раиси ўринбосари А.Бўриев “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Навоий вилоят ҳудудий филиали раҳбари;

Комиссия аъзолари: А.Ражабов Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш вилоят ҳудудий инспекцияси бошлиғи;

Ш.Туракулов Навоий вилояти Давлат солиқ бошқармасининг Юридик шахсларга хизмат кўрсатиш бўлими бош инспектори;

У.Ядгаров «Меъморлойиха» МЧЖ раҳбари ;

Комиссия котиби: М.Ахмедов “Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси” ДУК Навоий вилоят ҳудудий филиали бош мутахассиси, овоз бериш ҳуқуқсиз

Комиссия йиғилишида Ш.Туракулов иштирок этмади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Талабгорлар ҳужжатлари ўрганиш бўйича малакавий хулосасини ўрганиш;
2. Ғолибни эълон қилиш;

Н.Жуманиёзов танлов комиссиясининг ишини очиқ деб эълон қилиш ҳамда кун тартибидаги масалани тасдиқлашни овозга қўйди ва таклиф бир овоздан маъқулланди.

Кун тартибидаги масала юзасидан, иштирокчиларни малакаси ўрганилди ва хулосаси ўқиб эшиттирилди. Унга кўра:

Талабгорлар "KO'SARAVON MOXIR TA'MIR" ХК, "AGRAMIR" МЧЖ, "RUXSHONA FARANGIZ KELAJAGI" ОКларнинг комиссия хулосаси танловга ҳужжатлари тўлиқлиги маълум бўлди.

(Талабгорларнинг хулоса илова қилинади)

Комиссия аъзолари тамонидан хулоса бир овоздан маъқулланди.

Комиссия аъзолари талабгорларнинг нархга оид ҳужжатлари ўрганиб чиқиб, таклифдаги ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилганлигини, таклифдаги иш ҳажмлар Буюртмачининг танлов ҳужжатларида кўрсатилган иш ҳажмларига мос келишини, ташкилотларнинг таклифлари ҳам буюртмачининг бошланғич нархидан паст эканлигини эътироф этди ва танлов шартларидаги малакавий ўрганиш мезонларини маълум қилди:

"KO'SARAVON MOXIR TA'MIR" ХКни танлов таклифларини малакавий ўрганиш мезонлари шартларига асосан энг юқори кўрсаткич ва энг паст нарх таклиф этганлигини

инобатга олиб, Навоий вилояти Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 144-уйни инженерлик коммуникация тармоқлари, фасад қисмини мукамал таъмирлаш ишлари объекти бўйича танлов ғолиби деб топиш таклифи киритилди ва овозга қўйилди.

Комиссия раиси томонидан таклиф овозга қўйилди. Розилар – 4 киши, Бетарафлар – йўқ, Қаршилар – йўқ. Комиссия кўпчилик овоз билан

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Талабгор **"KO'SARAVON MOXIR TA'MIR" ХК**ни Навоий вилояти Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 144-уйни инженерлик коммуникация тармоқлари, фасад қисмини мукамал таъмирлаш ишлари объекти бўйича ишларни бажариш учун ҚҚС билан 337 018 626 (уч юз уттиз етти миллион ун саккиз минг олти юз йигирма олти) сўм, ишларни яқунлаш муддати 50 (эллик) кун таклифи билан ғолиб деб топилсин.

2. **"KO'SARAVON MOXIR TA'MIR" ХК** билан ўрнатилган тартибда шартнома расмийлаштирилсин ва ишни бажариш бўйича тегишли ҳужжатлари тақдим этилсин.

Танлов комиссияси аъзолари:

Н.Жуманиёзов



А.Бўриев



А.Ражабов



У.Ядгаров



Комиссия котиби:

М.Ахмедов

